

O'ZBEKISTON

OYOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA



■ 2004-YIL ■ 6-MAY ■ PAYSHANBA ■ 55 (27.230) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan.

Янги кўшма корхона



ЛОЙИХА ҚИЙМАТИ — 10 МИЛЛИОН ЕВРО

Поп туманида пахта или ва трикотаж мато ишлаб чиқаришга ихтисослашган янги кўшма корхона — «Исковуттекс»нинг дастлабки қувватлари ишга тушди. Унинг лойиҳа қиймати 10 миллион евро баҳоланган. Келажакда бу ерда юз фоиз маҳаллий хомашёга асосланган ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун айна шунча маблағ талаб этилади.

— Корхона Исковут қишлоғидаги собиқ но-тўқима материаллари фабрикаси негизда барпо этилди, — дейди бу ерда иш олиб бораётган туркиялик мутахассис Исмоил Алтинай, — 2003-2004 йиллар давомида ишлаб чиқариш майдонларида катта ҳажмда қайта таъмирлаш ишлари бажарилди ва умумий қиймати 1,3 миллион АҚШ долларидан ортиқ замонавий хориз ускуналари ўрнатилди. Улар Германиянинг «Газельшафт Берлен» банки очган кредит линияси орқали харид қилинди...

Суратларда: ишчи Нодира Эгамова иш устида; турк мутахассиси Исмоил Алтинай маҳаллий ёшлар билан; корхона биносининг умумий кўриниши.

Мурожидон ҚОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.



Жамоатчилик фикри

ПАРТИЯЛАРДАН ФАОЛЛИК ВА ДАДИЛЛИК КУТИЛМОҚДА

Жамиятнинг демократик тамойиллар асосида тарққий этишнинг энг муҳим омилларидан бири кўппартиявийликдир. Жамиятда ошқораликни таъминловчи, давлат ва халқ ўртасида бeлгилчи ва-зифасини ўтовчи, қабул қилинадиган қонун ва қарорларни ўз вакиллари орқали кўпчилик ман-фаатига бўйсундирадиган сиёсий институтлардан бири ҳам айнан партиядир.

Биз мамлакатимиздаги мавжуд партиялар ҳақида жамоатчиликнинг фикрини билиш мақса-дида кичик сўров-тадқиқот ўтказдик. Бекатлар-да, кўча-кўйларда турли ёшдаги, касбдаги ҳамюртларимизга қуйидаги саволлар билан му-рожаат эдик: «Сиёсий партия нима?», «Унинг жа-миятдаги мавқеи қандай бўлиши керак?», «Ўзе-бекистонда нечта партия бор?», «Партияларимиз фа-олиятини қандай баҳолайсиз?».

Аввало, шунга айтиш керакки, биз муружаат қилган кишиларнинг қарийб ярмиси саволларга жавоб беришни исташмади. Шунинг ўзи ҳам партияларга муносабатни билдиради.

Шавкат Тўхтаев,
стоматолог, 44 ёшда:
— Очиги, биздаги партия-ларнинг бор-йўқлиги ҳам билинмайди. Қачон шу сай-ловлар йили келса сал кимирлаб қолишди. Сўнг яна жимиб кетишди. Бил-мадим, қачонгача бу ҳолат давом этаркин?

Хайрулла БАРИМОВ,
сиёсатшунос, 27 ёшда:
— Айтиш мумкинки, партия-лар ўзига хос коммуникаци-он каналлардир. Улар мах-сус сиёсий тақлифлар ёхуд мавжуд муаммо ва қизиқиш-ларни ўрганиш орқали «халқ иродаси»ни умумлаштиради-лар. Биздаги сиёсий партия-ларнинг коммуникацион халқаси ҳаракатланмайди. Чунки сиёсий талаб ва қарорларни етказиш, уларни асослашга интилиш йўқ.

Зокир НОРМУРДОВ,
ўқитувчи, 32 ёш:
— Тўғриси айтсам, рес-публикамизда 5 та партия

борлигини биламан. Аммо уларнинг фаолиятдан де-ярли хабардор эмасман.

Сиёсий партия фақат сай-ловлар пайтидагина эмас, доимий ҳаракатда бўлиши керак. Мана, хоржий мам-лакатлардаги сиёсий партия-ларни олайлик, уларнинг ҳукуматга нисбатан тактика ва стратегияси бор. Бизда эса ҳамма партия бирдек «Президентнинг фикрлари-ни қўллаб-қувватлаймиз» деб тураверади. Тўғри, Пре-зидентни қўллаб-қувватлаш, унинг атрофида жипсла-шиш, ғояларини амалга ошириш учун курашиш жуда яхши, зарур. Аммо, партия-ларни ўз фикри, тақлифи, ташаббуси бўлмаса жамият-да фикрлар хилма-хиллиги қаерда қолади? Унда партия-янинг сиёсий партия сифа-тида мавжудлигининг нима кераги бор?

2-бет

Акс-садо

ҲИДОЯТ ЙЎЛИДАН АДАШГАНЛАР

ГУНОҲИ АЗИМГА БОТАДИ

Маълумки, Ўрта Осиёда асрлар давомида турли дин-лар, маданият ҳамда қади-ми урф-одатлар, қолавер-са, турмуш тарзи ҳам ёнма-ён фаолиятда бўлиб келган. Хусусан, диний бағрикенг-лик, самимият одамларнинг қийинчиликларни енгиши учун қўл келган. Истиқлолга эришилган бугунги кунда, Ўртбошимиз ташаббуси билан, топталган қадрият-лар қайта тикланди, исло-мий таълимоти ўрганиши учун барча шароитлар яратилди. Алҳамдулиллоҳ, юр-тимиз одам, тинч-осуда, масжиду мадрасалар эса очик, Диний таълим дар-гоҳларида фарзандларимиз ўқишмоқда. Қазбатуллони ҳар йили минглаб ҳожилар зиёрат қилиб қайтмоқда-лар. Бундай имкониятлар қачон бўлган?

Афсуски, юртимиздаги тинч ҳаёт, ижобий ўзга-ришларга ҳасад ва алам билан қараётган террорчи-лар, уларнинг ҳомийлари яна жунбушга келдилар. Тошкентда ва Бухоро ви-лоятининг Ромитан туманида кўпуровчилик ҳара-катларини содир этиб, манфур қиёфаларини яна

кўрсатдилар. Исло динини ўзига ниқоб қилиб олган бу кимсаларнинг асл мақсади бугун ҳаммага аниқ ва равшан: ёшлар онгини захар-лаш, ўзаро зиддиятларни келтириб чиқариш, ҳукм су-риб турган барқарорликка таҳдид солиш, кишиларни мутаассибликка ундаш ва шунга ўхшаш қабиҳ йўллар билан ҳокимиятга интилиш. Ахир, Исло дини инсонга ер юзида фисқу-фасод қилиш, беғуноҳ кишиларнинг қонини туқиш, қолаверса, ўз жонига қасд қилиш гуноҳи қабир эканлигини билдиради-ку! Шунингдек, ер юзини обод қилиб, эзгу амаллар билан шугулланиш, ўзининг манфаати учун ато қилинган неъматлардан фойдаланиш шукрона келтириш солиҳ амаллардан бўлиб, савоб ишлар қаторига кириши мақ-садида таълим беради.

Аллоҳ тооло Қуръони ка-римда: «Биз одамизотни азизу мукаррам қилиб яратдик ҳамда уларни сув-да ҳам, қуруқликда ҳам юрадиган қилиб қўйдик. Уларга ҳалол-пок нарса-лардан ризқ ато этиб, уларни бошқа ҳамма мах-луқотдан афзал этдик» деб марҳамат қилган. Парварди-гор одамизотта шунчалик му-рувват кўрсатган экан, ин-сон бу неъматларнинг қад-рига етмоғи, унинг шукрини адо этмоғи, қолаверса, ўша мақом ва даражага мос тарз-да ҳаёт кечирмоғи керак эмасми? Ўзининг инсон эканлигини унутиб, бу улғун мақомга безътибор бўлган кишиларни Аллоҳ тооло Қуръонда: «...Улар янада адашганроқдирлар. Ана ўшалар гофиллардир», дейди. Дарҳақиқат, юр-тимизда кўпуровчилик ҳара-кати содир этганлар ҳам ана шу янада адашганлардир.

Улар ҳаёт инсон учун берил-ган энг қадри омонат экан-лигини тушунмайдилар. Шу-нинг учун улар — гофиллар: Инсон Аллоҳ тооло томони-дан берилган бу неъматни асраб-авайлаши, унга хиёнат қилмаслиги даркор. Акс ҳолда энг оғир жиноятга қўл урган, ўз зиммасига катта гуноҳ орттирган бўлади. Қуръони каримда инсон ўзи-нинг яшаш ҳуқуқига ўзи та-жовуз қилиши ман этилган: «Ўз қўлингиз билан ўзингиз-ни ҳалокатга ташламангиз-лар» деб таъкидланган. Бун-дан ташқари, пайғамбаримиз Мухаммад алайҳиссалом ҳам ҳадиси шарифида ўз-ўзини ўлдириб ҳаром эканлиги, бундай ишни қилган кишига охиратда қаттиқ азоблар берилганини айтиб ўтганлар. Бундай мудҳиш ҳолатлар на-фақат Исло таълимотида, балки Аллоҳ таолонинг қазои қадарига ҳам тўғён қилиш,

унга қарши юриш демакдир. Қоринларига портловчи мод-даларни боғлаб жамоат жой-ларида ўзларини портлатиб юборган кимсаларнинг жохи-лона ҳатти-ҳаракатини «ша-хидлик мақоми» деб баҳола-ётганлар шу жиноятларнинг асосий сабабчиларидир. Холбуки, ўзларини портлатиб юбораётган ёшлар гуноҳи азимга қолмоқдалар. Қуръо-ни каримда битта беғуноҳ кишини ўлдириб, бутун ин-сониятни ўлдириб билан ба-рорбар эканлиги баён қилин-ган. Моид сураси 32-оятда-да: «...Бирор жонни ўлдирма-ган ёки (бузғунчилик ва қароқчилик каби) фасод иш-ларни қилмаган инсонни ўлдирган одам худди ҳамма одамларни ўлдирган қаби-дир», дейилган. Ўз-ўзини ўлдириб нақадар оғир гуноҳ эканлигини яна шундан ҳам билиш мумкинки, Расулulloҳ (с.а.в.) бундай ишни қилган

кишига жаноза намозини ўқимаганлар. Шунга кўра исломий манбаларда ўз-ўзини ўлдирган кишига масжид имоми жаноза намози ўқиши дуруст эмас дейилган.

Мухтарам Президентимиз Олий Мажлисининг яқинда бўлиб ўтган сессия-сида қилган маърузалари-да таъкидлаганидек, бугун-ги кунда ўзларини гўё му-сулмонлардек кўрсатиб, одамларни динга «даъват» қилиб юрган, асли мақса-ди эса терроризм бўлган, Исло дини номидан кўп-уровчилик қилаётганларни қилмаган бўлиш ҳар бир имонли кишининг муқаддас бурчи бўлмоғи керак. Биз ўз муқаддас динимиз ва эътиқодимиздан ҳеч қачон воз кечмаймиз ва уни химоя этиш қўлимиздан ке-лади. Фақат ҳидоят йўли-дан адашмай, доимо ҳушёр ва оғоҳ, бир тан-бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз лозим.

Ҳожи Абдулғафур РАЗЗОҚОВ,
Ўзбекистон мусул-монлари идораси-нинг Бухоро вилояти бўйича вакили

ТИНЧЛИК — БЕБАҲО НЕЪМАТ

УНИ АСРАБ-АВАЙЛАШ, КЎЗ ҚОРАЧИФИДАЙ САҚЛАШ ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчисиман. Уруш ва меҳнат фойриysi сифатида тинч-ликнинг бебаҳо неъмат эканлиги, уни асраб-авайлаш кераклиги ҳақида кўп гапи-раман. Майли, буни бировлар тушунар, кимларгадир гапларим ортиқча туюлар. Лекин, мен тенгиларнинг болалигимиз жуда оғир давларда кечдики, у кунларни эсла-масам, унутсам бугунги куннинг келдири-га етиш, шукрона айтиш хаёлга келмайди. Қорнимиз тўймади. Бир бурда нонга зор, оч-яланғоч яшаганмиз. Айниқса, уруш йил-ларидаги машаққатларни сўз билан ифо-далаш қийин.

Бахтимизга дорилотмон кунлар келди. Мустақилликка эришидик. Афсуски, ҳар доим яхшилик билан ёмонлик, эзгулик билан ра-золат курашиб келганидай, мустақиллиги-миз, тинч, осуда ҳаётимизни кўролмайдиган ёвуз кучлар йўқ эмас экан. Март ойи охирида Тошкент шаҳри ва Бухоро вилоятда содир бўлган мудҳиш террорчилик ҳодисалари ҳам шундан далолат берди. Шу заминда яшаб, халқимизнинг нон-тузини

еган, ўзини шу юрт фарзандиман деган ким-саларнинг бу ишларини ҳеч нарса билан оқлаб бўлмайди. Бундайларни нон-туз ҳақи, юрт қарғиши кўр қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессиясида Ўзбекистон фуқароларига Му-рожаатнома қабул қилинганлигини ойнаи жаҳон орқали эшитдим. У дилмиз тўрида-ги, тилимиз учиди гапларнинг айнан ўзи бўлди.

Кўпни кўрган фуқаро, бир оқсоқол сифа-тида айтаман, ҳар биримиз иш жойида, эгаш БЕГАЛИЕВ
Жиззах туманидаги
Қангли қишлоғи фуқароси

ХАЛҚ БАНКИ —
СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI

«QUVA MEBEL»
XONADONINGIZ FAYZI

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HANMKORI

Жамоатчилик фикри

ПАРТИЯЛАРДАН ФАОЛЛИК ВА ДАДИЛЛИК КУТИЛМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Шоҳсанам ҲОЖИЕВА, ўқитувчи, 24 ёш:

— Партияларга муносабат билдириб, улар ҳақида фикр айтишнинг ўзи бўлмайди, агар...

Тоҳир САФАРОВ, фармацевт, 33 ёш:

— Партияларнинг фаолияти жуда суст. Уларнинг энг катта камчилиги, таъбир жоиз бўлса...

Алишер МАМАТОВ, ҳуқуқшун, 25 ёш:

— Ривожланган ва ривожланмаётган кўпгина мамлакатларда партиялар доимий равишда...

Ойбек ХОЛДОРОВ, талаба, 22 ёш:

— Партиялар ва сиёсатчилар ҳамма жойда ҳам обрў-этибор қозонавермайдилар...

нэда кузатиш мумкин. Партияларнинг эътибори ва машҳур бўлиши ёки бўлмалиги бу уларнинг ўзига боғлиқ...

Баҳодир ХИДИРОВ, ишчи, 39 ёш:

— Олий Мажлис сессияси йўналишида Президентимиз сиёсий партиялар фаолиятига керакли баҳони берди...

Мана, сиёсий партиялар ҳақида билдирилган айрим фикр-мулоҳазалар. Яна қўлаб одамлар муносабатини сўраш, билиш мумкин, албатта...

Алижон АБДУРАҲМОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Ўзбекистон ХДП Уставининг (янги тахрири) лойиҳаси муҳокамада

Мамлакатимизда амалга оширилаётган парламент ислохоти ижтимоий-сиёсий ҳаётда сиёсий партиялар ролининг ошириш бориси...

си соғ-саломати? Раис яхшилар?» деб сўрайдилар. Ҳа, раис — бу раис, котиб — котиб-да! Шунинг учун бу таклифни ҳам маъқуллаш керак...

УСТАВ МУКАММАЛ БЎЛСИН

рак. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши VII пленуми шуларни инобатга олган ҳолда сайловларда қўтилган натижаларни қўлга киритиш учун...

лари ва бошланғич партия ташкилотларининг «ижроия қўмиталари» (48, 49, 51-моддалар) тушунчаларини киритиш таклифи...

ХДП ҳаёти

МЕҲМОННИНГ СЎЗИ ЯХШИ, МЕЗБОННИНГ — ТИНГЛАГАНИ

Харбийларда вақт тигиз: ҳатто тинчлик пайтида ҳам уларнинг вақти минут-минутгача тақсимланган — зарур ишлар, юмушлар олдиндан режалаштирилган бўлади...

подполковник Бахтиёр Саидов командирлик қилаётган ҳарбий қисмига етиб келишганда офицерлар, шартномадаги ҳарбий хизматчилар, оддий аскарлар клубда жамулжам бўлишганди...

Олий Мажлисининг Ўзбекистон фуқароларига Мурожаатномаси ҳақидаги фикрлар йирилганларда катта қизиқиш уйғотди. Учрашув давомида сиёсий партияларнинг шаклланиши, уларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва роли ҳақида, хусусан, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг мақсад ва дастурий гоёлари, парламентчилик фаолияти, партия матбуоти, миллий истиқлол гоёси тўғрисида ҳам сўз юритилди...

ларнинг қизиқишлари янада кучайди. Залда ўтирганлардан бирин-кетин саволлар туша бошлади. Мулоқотлар шу тарзда қизгин тус олди.

Шеърят иҳлосмандлари шоира Умида Абдуазимованин Ватан, юрт, истиқлол, муҳаббат ҳақидаги эҳтиросли шеърларини гулдурс қарсақлар билан кутиб олдилар. Қиррай тумани худудига жойлашган ҳарбий қисмда бўлиб ўтган ушбу учрашув, — деди қисм командирининг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича ўринбосари майор Баҳодир Сафаров. — Ўзбекистон ХДП фаоллари иштирокида Тошкент ҳарбий округи ҳарбий қисми ва муассасалари ҳарбий хизматчилари орасида миллий истиқлол гоёсини тарғиб этиш бўйича ўтказилиши режалаштирилган тадбирларнинг навабтағисидир ва у бизларда жуда яхши таассурот қолдирди.

Бобо САРОЙИ



ПАХТАЧИЛИҚДА САМАРҚАНД ТАЖРИБАСИ УНДАН ВИЛОЯТ БОБОДЕҲҚОНЛАРИ КАТТА НАТИЖАЛАР КУТМОҚДА

Кейинги йилларда самарқандлик бободехқонлар қишлоқ хўжалиги тармоқларида улкан ютуқларни қўлга киритдилар. Пахтачилик ва галлачиликда тўлган бой тажриба шуни кўрсатмоқдаки, энг аввало фермер ва ширкат хўжалиқларида ерга бўлган муносабатни яхшилаш зарур. Бундан ташқари қишлоқ хўжалиқда ислохотлар ўтказиш, фан-техника ютуқларини амалиётга дадил жорий этиш, агротехника қоидаларига қатъий риоя қилиш, яъни пайтада кўп йиллик тажрибаларга таяниб янгиликлар яратишни даврийинг ўзи талаб этаётир.


Шунинг учун Самарқанд вилояти деҳқонлари пахтани эрта етиштиришди, у оладиган ҳароратни мужассамлаштиришда янги навлар яратиб билан бир қаторда агротехника тадбирларини такомиллаштириш, ноанъанавий усулларни тажриба тари-

етишмади. Масалан, қўшни вилоятларда кечки навлардан ҳам юқори ҳосил олиш мумкин. Сабоби уларда ҳаво ҳарорати баланд. Бизда эса аксинча — эрталашар гўза навлари ҳам тўлиқ пишиб етилмайпти. Натихада, деҳқон тили билан айтганда пахта тош босмайди. Бир чанок пахта 5 грамм ўрнига 3-4 граммдан ошмайпти. Самарқанд шартинида 20-21 октябрдан кейин ҳарорат кескин пасайиб, ёғингарчиликлар бошланади. Бу эса етиштирилган ҳосил сифатининг тушишига, ҳаражатлар орттишига олиб келади. Утган йиллар тажрибаси шуни кўрсатадики, ёғингарчиликнинг мейёридан охиби кетиши пахтачиликда қатор қийинчиликларни дугдирмоқда. 2003 йилнинг баҳори асосан ёғин билан ўтди. Бунинг оқибатида 50 миң гектардан зиёд чигит

қасида синаб кўрмоқдалар. Вилоят пахтакорлари жорий йилда 103400 гектар ерга барака уруғи қадаб, гўза кўчатини асосан ундириб олишга эришдилар. Гўза ораллигига дастлабки ишлов бериш бошлаб юборилди. Аини пайтда пахтачиликнинг икки — кўчат ҳақида иссиқхона усуллари тажриба сифатида вилоятнинг бир қатор туманларида қўлланила бошлади. Одижон Абдураимов, вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бoshқармаси бошлигининг биринчи ўринбосари: — Бир пайтлар кўчат усули қўлланиб, 40 центнергача ҳосил олинган. Кейин нимагадир қолиб кетган. Самарқанд вилоятда ҳарорат паст келади. Усимлик учун зарур бўлган иссиқлик

қадалган майдонлар бузиб экилади. Хўш, бугун самарқандликлар сеновдан ўтказётган гўза кўчати қандай тайёрланади? Иссиқхона шартинида айланаси 5, узунлиги 10 см. бўлган қозғ тувакчаларга тупроқ, маҳаллий ва минерал ўғит солиниб, икки донадан чигит ташланади. Униб чиққан гўза ниҳоли 5-6 та чинбарг чикарғунга қадар ўзига етарли ҳароратни олади. Бир гектар ер учун 100 миң донадан зиёдроқ мана шундай кўчатлар тайёрланади. Ушбу усулнинг афзаллиги шундаки, 20 апрелдан бошлаб кўчатни далага олиб чиқиб экиш имконияти пайдо бўлади. Бу вақтда келиб ёғингарчилик ўтиб, ҳаво ҳарорати кўтарилади. Одат-

далар. Бу усулнинг ҳам афзалликларини ҳисобга олиб у ҳақда бироз тўхталаск. Бунда чигит ерга аънаваний усулда, яъни сеялқанда экилади. Сўнг эгат устига бир хил ўлчамдаги тол, терак шохларидан ёйсимон мослама ясалиб, плёнка тортилади. Иссиқхонинг баландлиги тахминан 25-30 см. бўлиши керак. Плёнка қуёш ҳароратини ерга қучайтириб ўтказди. Натихада тупроқ оддий майдонга қараганда кўпроқ иссиқлик олади. Чигит униб чиқиш жараёни тезлашади. Аини пайтда гўза турли табиий офатлардан ҳимояланади. Ҳозирги пайтда ушбу усул юқорида номлари санаб ўтилган туманлардан ташқари Пастдарғомда ҳам қўлланилмоқда.



риба бўлгани учун унинг иқтисодий самараси ҳақида гапириш ҳозирча эрта. Лекин ҳомани ҳисоб-китоблар чакки эмас. Гапнинг дангалани айтганда, жўжам кузда санаймиз. Вилоят деҳқонлари, қолаверса, мутахассислар мазкур усулларнинг самарадорлигини ошириш борасида жиддий изланишлар олиб боришмоқда. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш, пахтачилик, галлачилик ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари бўйича тавсиялар тайёрланиб, ўқувлар ташкил этилган. Тажрибали пахтакорлар, олимлардан иборат мутахассислар пахтачилик, галлачиликдаги бу янги усулларнинг илмий аҳамиятини чуқур ўрганишга бел болаганлар. Барчамизнинг ниятимиз битта: ўтказилаётган ушбу тажрибалар ўзининг яхши самарасини бериб, пахтачиликда Самарқанд усули сифатида эътироф этилишини, халқимиз риқ-насибаси улуг бўлишини, ерга умид билан уруғ қадаган бободехқонлар қадри оstown кайи баянд бўлишини истибоз.

Фаррух ҲАМРОЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири Шавкат АҚРАМОВ олган суратлар

Нуқтаи назар

Матбуотда иқтисодийни эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви, ваколатларни чеклаш ва вазифаларни номарказлаштириш мавзуси кўп кўтарилапти. Чунки, дунё бўйлаб ўтиш иқтисодийотида давлат бош-

Буларнинг ҳаммаси иқтисодий эркинлаштириш шароитида давлат бошқаруви ваколатларини аниқ белгилаш ва вазифаларни номарказлаштириш жараёнининг биринчи босқичи эди. Айни шу босқич якунилари эндиликда бизга кучли давлат ислохотларининг кейинги босқичига ўтишимиз учун за-

ри. Зеро, улар истиқболдаги ишлаб чиқариш фаолияти, тарбиявий ишларнинг стратегик йўналиши ва тактикасини белгилашда меҳнат жамоаларига ёрдам беради, етакчилик қилади, бошқариб боради.

Афсуски, баъзи раҳбар ходимлар ўз амалий фаолиятлари даврида бундай масалаларга, ўз касбий маҳоратларига кам эътибор беришади. Чунки, баъзан жойларда яхши малакага эга ходим бошлиқ, бошқарувчи ёхуд раҳбар лавозими билан рағбатланган ҳоллар учрайди. Аммо бу тажриба кўпинча кутилган натижани беришмайди. Оқибатда, жамоа малакали ходимдан ажралиб, ташаббускорлик, етакчилик, ташкилотчилик салоҳиятига эга бўлмаган раҳбарга рўпара келяпти.

Тўғри, ҳеч ким раҳбар бўлиб туғилмайди. Лекин ҳар бир киши (аниқроғи, кўпчилиги) агар самарали фаолият учун етарли шарт-шароитга, ташаббускорлик, ташкилотчилик жараёнини рағбат қилган ҳолда меҳнатни бозор иқтисодиёти талабларига мос ташкил этишдек изланувчан муҳитга эга бўлса, унинг яхши бошлиқ даражасига кўтарилиши, шахси. Бундай шароитда бўлажак раҳбар ўзини яқин натижа (кўрсаткич)лар ва истиқболли йўналишлар тафаккурига ўргатиб боради. У омад келганда ҳам омадсизлик юз берганда ҳам жамоани қўллаб-қувватлаш маҳоратини эгаллаб, ўз ходимларини турли услубларда рағбатлантиради, пировардидан эришилган самаралар айтишга арзигулик бўлади. Утган йил натижаларига кўра, 2004 йил бошига келиб, мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотига нисбатан давлат сектор улushi 74,5 фоизни ташкил этди. Саноатда — 73,9, қурилишда — 88,8 фоизга етди.

Энди эса мамлакатимиз Президентини Исроом Каримов ташаббуси билан олдимизда маъмурий ислохотнинг устувор йўналишларидан бири — **давлат бошқаруви тизимини вазифаларни аниқ белгилаб олиш ва номарказлаштириш** вазифаси турибди. Унинг вертикали ва горизонтал йўналишларини ҳам йўналишимиз аллақачон кўрсатиб, тўшунтириб берди.


Лекин, менда доим бир савол туғиладики, бу жараёнларни асосан амалга оширувчи етакчи қўллар кимлар? Улар бугунги замон талабларидан келиб чиқсак, асосан кимлар бўлиши керак? Албатта, қўйи, ўрта ва юқори звено раҳбарла-

ри. Демокриманки, иқтисодиётимиз тобора эркинлашиб бораётган, давлат бошқаруви ваколатлари чекланиб, вазифалари номарказлашгаётган ҳозирги шароитда кадрлар (ҳо ҳақ раҳбар бўлсин, ҳо ҳақ малакали мутахассис) тайёрлаш масаласи ҳам долзарб бўлмоғи, қолаверса, бу борада унинг мукамил тизими ва уни бошқарув йўллари оид муайян дастурлар ишлаб чиқилмоғи лозим, деб ўйлайман.

Насиба ҲАЙИТШАЙХОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президентини хузуридаги Давлат ва жамият қурилиши Академияси тинловчиси

Хориж тажрибаси

БАНК: КРЕДИТ, МИЖОЗ ВА ЛАЁҚАТ МЕЗОНЛАРИ



Бозор муносабатларининг муҳим бўгинларидан бири — банк тизимини ислох қилиш ва эркинлаштириш замирида иқтисодиётни ривожлантириш, маҳаллий банклар фаолиятини халқро банк тизими талабларига мос, самарали ташкил қилиш ётади. Чунки, жамият — яхши тараққий этган банк тизимига эга бўлмай соғлом ва барқарор ривожлана олмайди. Шу боис, иқтисодиётнинг муҳим субъекти — банклар фаолиятида улардан кредит олишнинг муҳим мезонларини ўрганиш ривожланган хорижий мамлакатларда алоҳида ўрин тутади. Кредитлаш жараёни эса қатор тамойилларга асосланади. Масалан, унинг муддатлилиги, таъминоти, тўловлилиги ва мақсадлилиги...

Банклардан чиқиб кетаётган ҳар бир сума меъёри ва мақсадли бўлиб, фойзалари билан банкка, албатта қайтиши лозим. Бунинг учун банк олдиндан миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаб қўради. Дунёнинг кўп мамлакатларида бу мезон турлича аниқланади. Мисол учун АҚШда миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолаш ва кредит таваққулини минималлаштириш йўлида «5-С» усулидан фойдаланилади. Унда миқдорнинг обрўси, тўловга лаёқатлилиги, капиталли, иқтисодий ҳолати ва истиқболли сингаги мезонлар катта ўрин тутади.

Кўриниб турибдики, мазкур мезонларда миқдорнинг нафақат моддий ҳолати, балки унинг обрўси, масъулиятини ҳис этиш даражаси, қарз тўловга тайёргарлиги текшириб олинапти. Ҳатто миқдор ўтмишида ўз мажбуриятларига қандай муносабатда бўлганлиги, иқтисодий бозорда қандай мавқега эга эканлиги даражалари ҳам назардан четда қолмайди.

Англия банкларида миқдорнинг кредитга лаёқатлилигини аниқлашда махсус саволлар варағи бор. Уларга берилган жавоблар банкга кредит бериш қарорини қабул қилиш учун қулай имкон яратяди.

Варақанда, энг аввало, қарз олувчи қобилиятини таҳлил қилишга шароит яратувчи «Parts» номили усул ҳам кенг қўлланилади. Бу усулда кредитнинг мақсади, соуда ҳажми, қарзни тўлов қобилияти, муддати ва сўданинг таъминланганлиги каби меъёрий мезонлар таҳлил этилган бўлади.

Бир сўз билан айтганда, нафақат АҚШ ёки Буюк Британия, балки бошқа ривожланган мамлакатларда ҳам ҳар бир банкнинг миқдорнинг кредитга лаёқатлилиги даражасини аниқловчи ўзига хос махсус ҳуқуқий норма ва қонунлари бор. Банклар ўзига керакли барча маълумотларни йиғгандан кейин миқдорга кредит бериш тўғрисида қарор қабул қилади. Унинг кредитга лаёқатлилигига қараб фойза, муддат ва сўданинг ўзгартириб бориши ҳам мумкин. Бу меъёр (параметр)лар қарз олувчи билан олдиндан келишилади ва шартномада белгилаб қўйилади.

Кредитга лаёқатлилиги даражасини белгилаш мезонлари турли мамлакатларда турлича бўлса-да, асосий мақсад — банк томонидан берилаётган кредитнинг самарали ишлатилиши ва уларнинг вақтида банкка қайтиб келишини таъминлашдан иборат.

Бугунги кунда банк тизимининг бундай жаҳон андозаларини қўллаш борасида Ўзбекистонда ҳам дадил қадамлар ташланаётгани жуда қувончли ва айни пайтда истиқболли ҳамдир.

Нафиса ОМОНОВА,
Тошкент молия институтини талабаси

ЭЛЧИЛАР ЧАҚИРИБ ОЛИНМОҚДА

Мексика Гаванадаги ўз элчисини чақириб олди ва 48 соат ичида Кубанинг Мексикадаги элчиси мамлакатдан чиқиб кетишини уқтирди. Перу ҳукумати ҳам худди шундай йўл тутди, дея хабар беради НТВ.

Сабаб: Кубада бўлиб ўтган 1 май байрам тадбирида мамлакат етакчиси Фидел Кастро сўзга чиқиб, қўшни давлатлар ташқи сиёсатини қоралаган. Кубадаги инсон ҳуқуқлари муҳофизатига Америка резолюциясини БМТда Мексика ҳам қўллаб-қувватлаганлиги Фидел Кастрога ёқмаган.

МУНОСАБАТЛАР СОВУҚЛАШИБ БОРМОҚДА

Грузия ва Ажария ўртасидаги совуқ муносабат яна кескин тус олди. Грузия парламентининг сешанба кунги мажлисида депутатлар Ажария етакчиси Аслан Абашидзега истеъфосини талаб қилдилар. Бу борада парламент махсус қарор қабул қилди. Унда Ажарияда вазият кескинлашгани, мухториятни Грузиядан ажратиб туровчи Чолоки дарёсидаги кўприк 2 май кунги портлатиб юборилгани, 10 кун ичида Ажариянинг Грузия конституциявий тузумига қайтиши ва қуролсизланиши талаб этилган ултматум ҳақида алоҳида уқтирилган.

Ажарияда 4 майдан эътиборан кучайтирилган фавқулодда ҳолат жорий этилган. Аслида бу улқада фавқулодда ҳолат 2003 йил ноябрдан бери давом этиб келмоқда, дейилади «Интерфакс» ахборотида.

Эндиликда кимки ҳокимиятга ва унинг сиёсатига қарши чақирик билан чиқса ёки хатти-ҳаракатлар қилса, унга нисбатан дарҳол жиноий иш қўзғатилади. Бу ҳақда Ажа-

рия етакчиси мухторият телевидениесига берган интервьюсида алоҳида таъкидлаб ўтди.

Дарвоқе, Ажария ҳудудида ҳозир Грузиянинг барча телеканаллари кўрсатувлари тўхтатилган. Грузиянинг «Рустави-2» телекомпанияси берган хабарга кўра, фақат Ажария телевидениесига мухториятда ягона ахборот тарқатиши манбаи бўлиб хизмат қилмоқда.

Бу ерда олий ўқув юрталарининг талабалари ва ўрта мактаб ўқувчилари 2 ҳафталик таътилга чиқарилди. Бу бежиз эмас, дейилади «Интерфакс» ахборотида. 3 май кунги олий ўқув юрталари ва мактаб ўқувчилари митинг уюштириб, Аслан Абашидзе истеъфосини талаб қилганлар. Буни эртаси кунги ҳам давом эттиришмоқчи бўлганда ҳуқуқни муҳофизат қилиш органи ходимлари куч ишлатиб тарқатиб юборган.

Жаҳон жамоатчилиги эса Грузия ва Ажария ўртасидаги муносабат бундай кескин тус олишидан ташвишга тушмоқда.

ОММАВИЙ ИШ ТАШЛАШ НАТИЖАСИДА

Италия темирйўлчилари оммавий иш ташлаш эълон қилдилар. Натижада ҳар учинчи поезд ҳаракатдан тўхтатилди. Фақат Милан, Рим ва Неаполи блговчи тевозор поездларига жадвал бўйича қатнамоқда.

Касаба уюшма қарорига биноан ташкил этилган ушбу иш ташлаш иштирокчилари меҳнат шартини яхшиланишини талаб қилмоқдалар. 19 май кунги ҳам навбатдаги иш ташлаш ўтказилди.

Яқинда 5 кун давомида авиация ходимлари ўтказган иш ташлаш натижасида авиалоқаларда ҳам узилишлар юз берган эди. Оқибатда давлат 40 миллион евро зарар кўрди. Ҳозир «Алиталия» компанияси етакчилари ва ҳукумат вакиллари касаба уюшма раҳбарияти билан музоаракалар олиб бормоқда.

Мазлумки, «Алиталия» молиявий инқироздан қимчиш учун ишчиларини оммавий ишдан бўшатилиш таклифини ўртага ташламоқда. Манбаларга қараганда, яқин кунларда 6 минг ишчи ишдан айрилиши мумкин. Касаба уюшма ва-

киллари эса бундай қарор вазиятни яхшилаш учун хизмат қилмайди, дея ҳисоблайдилар.

Reuters агентлигининг маълум қилишича, Жанубий Италиянинг Мелфи шаҳридаги ФИАТ автоконцерни конвейрлари мана 17 кундирки, тўхтаб турибди. Кунги кеча унинг 5 минг кишилик ишчиларидан атиги 400 нафаригина ишга чиққан.

Иш ташловчилар маошлар оширилишини, меҳнат шартини яхшиланишини ва тунги смена қисқартирилишини талаб қилмоқдалар.

Иш ташлаш натижасида ФИАТ 35 минг автомобилни бой берди, яъни режадаги шунча автомобиль ишлаб чиқарилмади. Концерн раҳбарияти «Ланча» ва «Пунто» русумидаги автомобиллар ишлаб чиқарилишини тўхтатиб туришга мажбур бўлмоқда. Шунингдек, вазият беқарорлиги боис мингта яқин ишчинини таътилга чиқаришга тўғри келади. Бундан ташқари Мелфидан бутловчи қисмлар ўз пайтида етказиб берилмаётганлиги сабабли ФИАТнинг Мирафьоридаги ва бошқа шаҳарлардаги корхоналари ҳам тўхтаб турибди.



Жамоаси


9 МАЙ — ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АЖДОДЛАР РУҲИНИ ЁД ЭТАДИ

Хотира нафақат ўтмишни унутмаслик, балки бугунги ҳаётимизнинг қадрига етиш, эртанги кунимизни фаровон ва осойишта тасаввур этиш ҳам демакдир.

Инсонийлик, кишилар ўртасидаги меҳр-оқибат бардавонлиги, айнан шу, Хотира ва қадрлаш билан бевосита узвий боғлиқдир.

Мустақил Ўзбекистон осмони ҳамиша беғубор ва мусаффо бўлсин.

ҲАР БИР ХОНАДОНГА ОСОЙИШТАЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ТИЛАЙМИЗ.



Жамоаси



